O'ZINGNI ANGLA!

HURRIYAT

Mustaqil gazeta

№ 8 (522)
2007-yil 21-fevral

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ➲ Chorshanba kunlari chiqadi ➲ E-mail: hurriyat@mail.ru ➲ http://www.hurriyat.uz

Ушбу сонда:

2 Ҳайдовчи танлаган қўшиқ



Ҳайдовчи эрталабки ёки кечки тиғиз пайтларда ҳам ўзи хоҳлаган, ўз дидига мос "ўлдим-куйдим" куй-қўшиқни варанглатиб бутун салонга эшитиладиган қилиб қўйиб кетаверади...

Буларни эшитиш сизнинг кайфиятингизга, дидингизга, ёшингизга тўғри келадими, йўқми, бу билан ҳайдовчининг умуман иши йўқ!

3 Эълон қилинмаган уруш

Махфий армиялар аввалбошда биринчи навбатда Совет Иттифоқининг эҳтимолий ҳужумларини бартараф этиш мақсадида ташкил этилган.

Бироқ кейинроқ махфий ҳарбий гуруҳлар ўз матлабидан чекиниб Европа мамлакатларида қўпорувчилик ҳаракатлари уюштиришга тушиб кетган.

4 Юриши арслондан ҳайбатли

Бозорда ғалати савол-жавобга гувоҳ бўлдим: сканворд ечаётган картошкафуруш хотин ёнидаги эркакдан сўради:

— Аристотелнинг миллати нима? Тўртта ҳарф экан.

Эркак ҳеч ўйлаб ўтирмасдан:

— Швед бўлса керак. Ўзи физик олим бўлган, — дея жавоб берди.

HURRIYATга
2007 йил учун обуна йил бўйи давом этади.
Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!
Нашр кўрсаткичи — 233

Қонун

Тезкор давр талаби

Шу йилнинг январь ойида янги таҳрирдаги "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонун амалга киритилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси* Хуршид ДЎСТМУҲАММАД*га бир неча савол билан мурожаат қилдик.

Суҳбатдош: **С. ШОДИЕВА**

— Аввало, соҳамизга доир янги таҳрирдаги қонун лойиҳасининг тайёрланиш жараёни ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз.

— Газетхонларимизга яхши маълумки, Республикамиз Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг 2005 йил январида бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган қоида ва хулосалардан келиб чиқиб, шунингдек республикамиз аҳолисининг мамлакат ижтимоий ҳаётини янада демократлаштириш ва либераллаштириш шароитларидаги ахборотга бўлган эҳтиёжини тўлақонли қондириш мақсадларида Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги янги таҳрирдаги қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Лойиҳа ишчи гуруҳи томонидан тайёрланиб, қўмитамизга қабул қилиб олинганидан кейин ҳам унга сайқал бериш, такомиллаштириш анчагина давом этди. Қўмитамиз қошида тузилган экспертлар гуруҳига назариячи ва амалиётчи журналистлар, устоз домлалар, тарихчилар, ҳуқуқшунослар, файласуфлар, ҳоказо-ҳоказо мутахассислар жалб этилди, депутатлар яқиндан ёрдам беришди. Булардан ташқари, вилоятларда фаолият юритаётган ҳамкасблар мулоҳазалари ўрганилди. Бир сўз билан айтганда, қонун лойиҳасини тайёрлашда Республикамиздаги соҳамизга тааллуқли барча етук мутахассислар иштирок этди десам муболаға бўлмайди. Бунга қўшимча ўлароқ, тараққий этган давлатлардаги тажрибалар ўрганилганини, шунингдек муҳокамаларимизда хорижий мутахассислар бевосита иштирок этганини ҳам назардан соқит қилмаслигимиз керак.

— Ишлаш жараёни бу қадар қийин кечганининг боиси қонуннинг мураккаблигида эдими ёхуд унинг бошқа сабаблари борми?

— Бунинг бош сабаби – даврнинг мураккаблигида эди! "Давр" деганда мен дунё саҳнида кечаётган шиддатли глобал жараёнларни, инсониятнинг эркин яшаш истагининг тобора ортиб бораётганини, айни чоғда бу эркинлик тушунчаси нақадар мураккаб, нақадар мушкул муаммо, мушкул савдо эканлигини ва мана шу жараёнларнинг барча-барчаси оммавий ахборот воситалари билан, ички ва ташқи ахборот майдони хусусиятлари билан боғлиқлигини назарда тутмоқдаман.

— Демак, мазкур қонуннинг янги таҳririни қабул қилишда сиз айтиб ўтган омиллардан келиб чиқилган, шундайми?

— Замон шу даражада тез ва шиддат билан ўзгаряптики, XX асрнинг охирги ўн йиллигидаги вазиятни янги асрнинг дастлабки ўн йиллиги билан ҳатто қиёслаб ҳам бўлмайди: бир-бирига мутлақо ўхшамайдиган вазиятлар. Бу тезкорлик оммавий ахборот воситалари фаолиятини ҳам янгича талаблар асосида қуриш эҳтиёжини келтириб чиқармоқда.Тушунчалар, стандартлар ўзгармоқда. Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида бораётган Ўзбекистон ҳам дунё саҳнида юз бераётган бундай ўзгаришлар, янгиланишлардан ортда қолиши мумкин эмас, албатта. Бугунги кунда мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситалари сони 900 дан ошди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида уларнинг умумий сони 300 тага ҳам етмасди. Шу иккита рақамнинг ўзиёқ вазият нечоғлик ўзгараётганини, мамлакатимиздаги барча соҳаларда, жумладан миллий журналистикамиз соҳасида жуда катта ўзгаришлар юз бераётганини англатади. Эндиликда Республикамизда мустақил ва хусусий газета, журнал, телеканал ва радиоканал кўринишидаги ОАВ турлари кўпайганини, давлат ва нодавлат ОАВлари нисбати ўзгарганини ҳеч ким инкор этолмайди. Албатта, уларни бошқарадиган ва шу кунгача амал қилган қонунларимиз мавжуд. Лекин ОАВ фаолиятини янги вазият, жамиятни янада эркинлаштириш талаблари асосида яратилган қонун нормаларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш кераклиги шу куннинг эҳтиёжига айланди.

— Янги таҳрирдаги қонуннинг аввалгисидан асосий фарқли жиҳатлари хусусида тўхталсангиз.

– Бу савол кўпчиликни қизиқтириши табиий. Келинг, гапни қонуннинг тузилиши, яъни янгича шакл, янгича қиёфа касб этганидан бошлайлик. 1997 йили қабул қилинган аввалги қонун бобларга ажратилмаган, 30 моддадан иборат эди. 2002 йил августида унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилгач, қонуннинг 4-, 11-моддаларида жами 5та прим модда пайдо бўлди. Янги таҳрирдаги қонун эса 40 модда ва 6 бобдан иборат. Бобларнинг номланишига эътибор қаратайлик: "Умумий қоидалар", "Оммавий ахборот воситалари фаолиятини ташкил этиш", "Оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш", "Оммавий ахборот воситалари маҳсулотини тарқатиш. Оммавий ахборот воситалари бозорини монополлаштиришга йўл қўйилмаслиги", "Оммавий ахборот воситаларининг фуқаролар ва ташкилотлар билан муносабатлари", "Якунловчи қоидалар". Юқорида Республикамизда оммавий ахборот воситаларининг сони кўпаяётгани айтилди, жамиятимизда бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий-демократик ислоҳотлар жадал давом этмоқда. Оммавий ахборот воситалари кириб бормайдиган бирорта соҳа ва жабҳа қолмаслигидан келиб чиқилса, бундай шароитда бизнинг соҳага, жумладан ушбу қонунга мурожаат қиладиган юридик ва жисмоний шахслар доираси ниҳоятда кенгайиб кетади. Қонундаги шаклий ўзгаришлар эса унга ҳар қандай фуқаронинг мурожаат қилиши учун енгиллик яратади.

Ана энди мазмуний янгилик хусусида тўхталсак. Биринчи бобда Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари фаолият юритишда Бош қомусимиз – Республика Конституциясида белгилаб берилган барча эркинлик меъёрлари қамраб олинган. Цензурага, айни вақтда эркинликни суиистеъмол қилишга йўл қўйилмаслиги белгилаб берилган.

Давоми 2-бетда.

Парламентда



Ўтган ҳафта жума куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш қўмитасида «Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда маҳалланинг ролини кучайтириш» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, республикамизнинг турли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, идора ва вазирликлар мутахассислари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Маҳалла ва ижтимоий ҳимоя

МУХБИРИМИЗ

Семинарни қўмита раиси Акмал Саидов кириш сўзи билан очди.

Маълумки, яқинда давлатимиз раҳбарининг 2007 йилни «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши муносабати билан Давлат дастури тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Қарорда амалга оширилиши керак бўлган кўплаб оламшумул тадбирлар ва уларни бажаришда давлат ташкилотлари билан бир қаторда мамлакатимизда фаолият юритаётган кўплаб нодавлат нотижорат ташкилотлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг роли беқиёс бўлиши кўзда тутилган. Семинарда, хусусан, ундаги маъруза ва баҳс-мунозараларда амалдаги ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини ошириш эҳтиёжидан келиб чиқиб, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасида маҳаллаларнинг ролини ошириш, бунинг учун эса унинг қонуний асосдаги ваколатларидан, халқимизнинг жамоатчилик тажрибаларидан фойдаланиб иш кўриш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Хусусан, республика «Маҳалла» жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Соғлиқни сақлаш вазирлиги сингари муассасаларнинг вакиллари бу йил маҳаллалар билан ҳамкорликда ижтимоий ҳимоя тадбирларини амалга ошириш юзасидан белгилаган ишлари ҳақида ахборот бердилар.

Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастурида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўламини янада кенгайтириш ва кучайтириш, жамиятда ҳамжиҳатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини қарор топтириш бўйича аниқ мақсадларга йўналтирилган бир қатор устувор вазифалар белгиланган. Илмий-амалий семинар якунида ана шу вазифаларни бажариш юзасидан таклифлар ўртага ташланди, иштирокчиларнинг саволларига жавоблар қайтарилди.

Журналистика соҳасида "Олтин қалам" II миллий мукофоти

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" халқаро танловини ўтказади.

Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб ўтказиладиган бу танловга 2006 йилнинг 31 мартидан 2007 йилнинг 31 мартигача – бир йил давомида газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет саҳифаларида берилган материаллар 2007 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Ғолиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение – 1-, 2-, 3- ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1 -, 2-, 3- ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (даврий матбуот — 1 -, 2-, 3- ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (Интернет-журналистика — 1-, 2-, 3- ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:

- журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;
- фаол фуқаролик позицияси учун;
- ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
- ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
- ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги энг яхши материал учун;
- энг яхши журналистик текширув учун;
- мураккаб шароитларда (фавқулоддда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;
- энг яхши режиссёрлик иши учун;
- йилнинг энг яхши дебюти учун;
- энг яхши фоторепортаж учун;
- энг яхши карикатура учун;
- чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар диплом, статуэтка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернетда эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

- муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;
- паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини мукофотлаш 2007 йил 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар "Олтин қалам" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри-100129, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Телефонлар: 144-64-62; 144-64-61; 144-37-87;
Факс: 144-69-65
***E-mail:* ijod@ sarkor.uz**
www.journalist.uz

Абдурасул ҲАКИМОВ чизган сурат

— Ие, нега телефон трубкаси юқорига кўтарилиб кетяпти?

— Бошлиғимиз қўнғироқ қиляпти, шекилли...

Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» самолётларида тарқатилади

Премьера

Муҳаббат ва нафрат қиссаси

Инсоният яралибдики, муҳаббат ва нафрат, яхшилик ва ёмонлик умид ва умидсизлик, қувонч ва ғам... ёнма-ён ва бақамти яшаб келади. Бу дунё уларсиз кемтик, уларсиз норасо...

Аёллар ҳаётимизнинг занжирларидир. Одам азиз ва мукаррам қилиб яратилган. Аёллар эса янаям ўзгача хилқатдирлар...

МУХБИРИМИЗ

"Медея" саҳна асарини томоша қилиб, пайдо бўлган илк таассуротларимиз бу.

Қадим грек фалсафасига йўғрилган жиддий асарларни эндиликда ҳеч ким кўролмаса керак, деб янглишган эканмиз. Республика Ёш томошабинлар театрида намойиш этилган "Медея" спектаклини кўриб ана шундай хулосага келдик. Ҳамма гап нимани қандай қўйишда экан. Назаримизда, кинода ҳам, саҳнада ҳам комик йўналишнинг тоши босиб кетаётгандай. Бу чанқоқлик эҳтимол шунданмикан?

"Медея"ни дунёга келиш тарихи ҳам қизиқ. У Япониянинг халқаро маданиятлар ҳамкорлиги фонди кўмагида яратилди.

"Медея" айтиш жоизки, турли даврларда яшаб ижод қилган Еврипид, Сенека, Б. Гофман ва Л. Разумовский асарлари асосида тайёрланган. Уни таниқли режиссёр Авлиёқул Хўжақули саҳналаштирган.

Медея ролини Ўзбекистон халқ артисти Зулайҳо Бойхонова маҳорат билан ўйнаган. Таржимон — Фахриддин Низомов.

Асар инсонга хос бўлган азалий ва абадий туйғулар талошини бор бўйича кўрсатишга ҳаракат қилади. Шунга мос образ, либос, сўз, оҳанг ва манзаралар танланган. Шунинг учун ҳам гарчи воқеа манзили ва макони қанчалик мавҳум бўлмасин, у гўё ҳозир сиз билан бизнинг шундоқ ёнимизда рўй бераётгандек туюлади. Бизнингча, ҳар қандай асарнинг асл қиймати ана шунда кўринади.

Тезкор давр талаби

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Иккинчи боб оммавий ахборот воситалари фаолиятини ташкил этиш жараёнларини мувофиқлаштиради. Мен шу ўринда таҳририят билан таҳририят муассиси ўртасидаги муносабатларга бирмунча ойдинлик киритилгани хусусида тўхталмоқчи эдим. Бозор муносабатларини мен муносабатлар бозори деган бўлур эдим. Айтмоқчиманки, эндиги шароитда барча-барча муносабатлар қатъий шартнома асосига қурилади. Таҳририят озмунча муносабатларга киришадими? Шуларнинг бари шартнома асосида тартибга солинади. Жумладан, муассис билан ҳам шундай бўлади. Мазкур қонунда муассиснинг масъулияти ортиб кетибди, деган мулоҳазалар билдирилди. Тўғри, бутун дунёда шу, яъни оммавий ахборот воситасининг ҳақиқий эгаси – унинг муассиси! Ҳамон шундай экан, нима учун муассис ўзи яратиб қўйган газета ё журнални, радио ё телеканални ўз ҳолига ташлаб қўйиши керак?! Унинг ҳолидан хабар олмаслиги, молиявий-ташкилий ишларидаги оғир-енгилликларига қўл силташи керак?! Амалиётимизда бунга мисоллар истаганча топилади. Энди эса янги қонун муассисларнинг эгалик туйғусини ёдга солиб туради, уларни фаолликка ундайди, бефарқликларига йўл қўймайди.

— Кечирасиз, муассисларнинг роли ошиши уларнинг таҳририят ишларига ҳуда-беҳуда аралашишига олиб келмайдими?

— Масаланинг нозик жойи ҳам шунда. Аввало, 12-моддада баён этилганидек, муассис билан таҳририят ўртасидаги муносабатлар улар ўрталарида тузилажак шартномада аниқ-тиниқ белгилаб олинади. Қонуннинг 13-14-моддаларида муассиснинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари аниқ қилиб ёзиб қўйилди. Яъни, муассис ўзининг эгалик ҳуқуқини суиистеъмол қилишига йўл қўйилмайди, қолаверса, 15-моддада ("Таҳририят" деб аталади) "Таҳририят ўз касб фаолиятида мустақилдир" деган норма ҳам борки, бу, ижодий жамоа ҳисобланган таҳририятнинг, демак журналистнинг ҳам ижодий эркинлигини таъминлайди.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятини ташкил этиш, уларнинг фаолият юритишидаги жараёнлар ҳам ниҳоятда серқирра. Ушбу жараёнлардаги барча муносабатларга ойдинлик киритилгани бир янгилик бўлса, амалиётда юз бериши эҳтимоли бўлган келишмовчиликлар, зиддиятлар, айниқса ОАВнинг чиқарилиши ё чиқарилмаслиги билан боғлиқ муносабатларга фақат суд орқали йўл қўйилиши белгилаб қўйилди.

Маълумки, кейинги йилларда газета-журналлар илова чиқариши одат тусига кирди. Лекин илова оммавий ахборот воситаси ҳисобланадими ёки йўқми? Йўқ, десак, саккиз, ўн олти, йигирма тўрт саҳифалаб ҳафта сайин чоп этилаётган нашрни нима деб атаймиз? Илова кўринишидаги оммавий ахборот воситаси эканлигини эътироф этсак-чи? Бундай ҳолда, марҳамат, у ҳам 28-моддада белгилаб қўйилганидек, "Даврий босма нашрнинг алоҳида номга эга бўлган иловаларига мустақил оммавий ахборот воситаси сифатида қаралади ва улар умумий асосларда рўйхатдан ўтказилади". "Даврий босма нашрнинг электрон шакли" деб аталган 27-модда ҳам қонунга киритилган янгиликлардандир.

— Мана, янги таҳрирдаги қонун кучга кирди, эндиги вазифалар нималардан иборат деб ҳисоблайсиз?

— Бир суҳбат асносида янги қонуннинг барча жиҳатлари хусусида батафсил гапириш қийин албатта. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил якунлари ва жорий йил режалари муҳокамасига бағишланган йиғилишда муҳтарам Юртбошимиз амалдаги қонунлар ижросини янада чуқурроқ йўлга қўйиш, жумладан, уларнинг тарғиботи билан алоҳида шуғулланиш энг долзарб вазифаларимиз бўлиб қолиши зарурлигини янада қатъийроқ таъкидлаб ўтдилар. Дарҳақиқат, бундай вазифа, биринчи навбатда, журналистлар зиммасига тушади. Шундай экан, журналистлар барча қонунлар қатори бевосита ўзимизнинг соҳамизга доир қонунни, жумладан "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонуннинг амалда самарали қўлланилишига эришиш йўлида ҳормай-толмай ташаббус кўрсатишлари даркор. Токи, ардоқли ва мураккаб касбимизнинг бош қонуни ҳаётий ижросининг таъмин этилиши умуман жамиятимизда бораётган ислоҳотларнинг самарасини кўп жиҳатдан белгилаб беради.

Фикр

Кейинги йилларда шаҳарда ер усти жамоат транспортида йўловчи ташиш ишлари тубдан яхшиланиб, бу соҳада аҳолига кўпдан кўп қулайликлар яратилди. Тор ва ноқулай "ЛАЗ","ПАЗ" каби автобуслар ўрнини қулай ва тезюрар "Мерседес-Бенц" автобуслари эгаллади. Кейинги йилларда камайиб қолган бўлса ҳам, трамвай ва троллейбуслар аҳолига хизмат қилишда давом этмоқда.

Ҳайдовчи танлаган қўшиқ

уни йўловчилар эшитишга мажбур

Абдуқаҳҳор МУТАЛОВ

Автобусларнинг ҳаммасига тайёрловчи завод радиоприёмник ёки радиомагнитола ўрнатган. Бу нарсани трамвай ва троллейбус ҳайдовчи айрим шоввозлар ҳам ўзлари бошқарадиган транспорт воситаларига ихтиёрий ўрнатиб олишган. Ҳайдовчи эрталабки ёки кечки тиғиз пайтларда ҳам ўзи хоҳлаган, ўз дидига мос "ўлдим-куйдим" қўшиқни вараглатиб бутун салонга эшитиладиган қилиб қўйиб кетаверади ё бирор FM каналини доимий қўйиб қўйган бўлади...

Буларни эшитиш сизнинг кайфиятингизга, дидингизга, ёшингизга тўғри келадими, йўқми, бу билан ҳайдовчининг умуман иши йўқ! Ундан бирор дадилроқ йўловчи: "Фақат ўзинг эшитадиган қилиб қўй", деб талаб қилиб қолса, ҳайдовчи жанжаллашиш, ҳақоратлашгача боради ва, албатта, "қўлингиздан нима келса, шуни қилинг, мен ўз билганимдан қолмайман" мазмунидаги гапни қўшиб қўяди. Бу каби ўзбошимчалик ҳолатлари кўпчилик йўловчиларга яхши таниш.

Аввало, йўл ҳаракати хавфсизлиги нуқтаи назаридан, салонида камида 50-60 йўловчи бўлган транспорт воситасини бошқариб кетаётган ҳайдовчининг куй-қўшиқ эшитиши ва унга чалғиши қанчалик тўғри, деган савол туғилади.

Мен завод радиоприёмникни автобусларга нима мақсадда ўрнатиб қўйганини аниқ билмайман. Уни, эҳтимол, бир гуруҳ кишилар уюшган ҳолда узоқроқ ерга жамоа бўлиб сайр-саёҳатга чиққанларида эшитиб кетишлари учун ўрнатгандир. Бу ҳолда маълум куй ё маълум хонаданинг қўшиғи, қизиқчининг гаплари шу жамоанинг асосий қисмига маъқул келар ва эътирозлар ҳам кўп бўлмас. Аммо турли ёш, жинс, характер, савия ва ижтимоий мавқедаги 50-60 одамга бирдек тўғри келадиган куй ё қўшиқни, хонандани ё қизиқчини топиб бўлармикин? Албатта, йўқ! Шахсан мен жамоат транспорти салонида кетаётиб бирор қўшиқ ё куйни эшитишни мутлақо истамайман. Бироқ ҳайдовчи менга ўзимни ҳақоратланаётган деб ҳисоблайман.

Айрим автомобилларда олов ўчириш мосламалари (огнетушитель) ва кичик дорихонача (аптечкалар) ҳам бўлади. Бироқ улар бор бўлгани учун ҳайдовчи шу автомобилга чиққан одамга кўпик сепавермайди ёки юзига пахта босавермайди-ку. Худди шунга ўхшаш радиоприёмник ёки магнитоладан ҳам ўз ўрнида, ўз вақтида фойдаланиш, уни ҳуда-беҳудага қўйиб, салондагиларни безор қилмаслик керак.

Ҳуқуқшунос бўлганим учун масаланинг ҳуқуқий томонига ҳам эътиборни жалб қилмоқчиман:

Биз, йўловчилар ва йўловчи ташувчи идора ўртасидаги муносабатлар — булар ҳар доим ҳам фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидир. Бошқача айтсак, ҳар биримиз йўловчи транспортига чиқиб, ташкилот билан ўзимиз билмаган ҳолда, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларига киришамиз. Биз маълум пулни тўлаймиз, ташкилот эса бизни белгиланган манзилга олиб бориб қўйишга мажбур. Бу муносабатлар ЎзРнинг амалдаги Фуқаролик кодекси 39-боби, 709-725-моддалари билан тартибга солинган. Бунда ташувчи ташкилот (юридик шахс) ўзининг йўловчи ташиб, бизнес қилиш ҳуқуқини амалга ошириб, бундан келиб чиқадиган барча мажбуриятларни ҳам бажариш кўзда тутилади.

Тиббиёт ходимларига "Беморга зарар етказиб қўйишдан сақлан!" ("Не навреди!") деган тамойил ҳакимлар Буқрот ва Жолинус замонларидан бери бор.

Бизнесда ҳам ишбилармонлар ўз мижозларини ранжитмаслиги зарурлиги тамойиллари азал-азалдан мавжуд. Шунинг учун ҳам бизнинг Фуқаролик кодексимиз 9-моддасида бундай ёзиб қўйилган: "Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахслар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда жамиятнинг маънавий тамойиллари ва ахлоқий меъёрларини ҳурмат қилишлари, тадбиркорлар эса иш одоби қоидаларига ҳам риоя этишлари керак. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек, ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларга йўл қўйилмайди".

Шундай экан, йўловчи ташувчи идоранинг бош вазифаларидан бири — сиз ва мени манзилимизга асабийлаштирмай, яъни соғлигимизга зарар етказмаган ҳолда олиб бориб қўйиш экани ўз-ўзидан маълум бўлади-қолади.

Изоҳсиз сурат

А. ҲАКИМОВ чизган

Учрашув

Кейинги пайтларда матбуотда журналист кадрлар тақчиллиги муаммоси ҳақида ботбот ёзилмоқда. Ҳар йили юзлаб талабалар бу соҳа бўйича мутахассислик дипломини олишади. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: бу рақамлар етарли эмасми?

Халқаро журналистика факультети профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирокидаги Фарғона вилоят журналистлари билан бўлиб ўтган учрашув мавзуси ана шу савол атрофида бўлди. Меҳмонлар сўзга чиқиб, ўз газетаси ҳақида, қилинаётган ва қилинажак ишлар тўғрисида батафсил маълумот беришди.

Бу эса битирув арафасида турган талабаларга келажакда ўзларининг қаерда ишлашлари мумкинлигини аниқлаштириб олишлари учун айни муддао бўлди.

Университет маъмуриятининг берган маълумотига кўра, ўтган йили факультетни биттирган фарғоналик талабалардан бирортаси ҳам вилоятга ишга қайтмаган.Фарғоналик журналистларнинг бугунги ташрифи натижаси ўлароқ талабаларда ўз вилоятларига бориб ишлаш ниятн пайдо бўлди. Газеталар билан бўлажак журналистлар орасида ўша пайтнинг ўзидаёқ ҳамкорлик ўрнатила бошланди.

Аёнки, кадрлар етишмовчилиги бугун Фарғона вилоятидагина муаммо бўлиб тургани йўқ. Водийлик ҳамкасбларимиз ташаббусидан кейин бошқа вилоятлик журналистлар ҳам бўлажак кадрлар билан ҳамкорлик йўлидаги бундай учрашувларни бошлаб юборади, деб умид қиламиз. Шундагина вилоят ва туман газеталарида ишлаётган мутахассис ходимларнинг ўртача ёши 50 ёш атрофида бўлиб қолмасмиди?

Фарҳод ЭСОНОВ

Ҳуқуқ

Ҳакамлик суди

у қандай ҳуқуқ ва ваколатларга эга?

Жаҳон тажрибасида давлат судларидан ташқари тадбиркорлик субъектлари иштирокидаги низоларни ҳал қилувчи арбитраж (ҳакамлик) судлари мавжуд. Мамлакатимизда ҳакамлик судларига илк ҳуқуқий асос Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1995 йил 20 декабрда "Хорижий арбитраж қарорларини тан олиш ва ижро этиш тўғрисида"ги 1958 йилги Нью-Йорк конвенциясига қўшилиш ҳақидаги қарор қабул қилиниши натижасида яратилди.

Ш. РАЖАПОВА,
Амударё тумани Жиноят ишлари бўйича судининг раиси

Президентимизнинг 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Фармонида тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги хўжалик низолари хўжалик суди билан бир қаторда ҳакамлик судлари томонидан ҳам кўриб чиқилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилди. Кўп ўтмай "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасининг ташаббуси билан 2005 йил 11 августдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилди. Мазкур қонун лойиҳаси бир неча марта муҳокама қилинганидан кейин 2006 йил 8 февралда Қонунчилик палатаси бу қонунни қабул қилди ва Олий Мажлис Сенати 2006 йил 25 августда бўлиб ўтган ялпи мажлисида маъқуллади. Қонун 2007 йил 1 январдан бошлаб кучга кирди.

Ҳакамлик судининг моҳияти нимадан иборат?

Ҳакамлик суди хўжалик субъектлари ўртасидаги низоларни кўриб чиқувчи нодавлат ташкилотдир.

Ҳакамлик судларини ташкил қилиш умумий юрисдикция судларидан фарқ қилади. Ҳакамлик судлари қандайдир бир тизимни ташкил қилмайди ва бир бирига бўйсунмайди.

Қонуннинг 5-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳакамлик судларини ташкил қилиши ҳамда ҳакамлик битимининг тарафлари бўлиши мумкин эмаслигини тўғридан тўғри белгилаб қўйилиши ҳам унинг давлат судларидан мустақил равишда фаолият кўрсатишини кафолатлайди. Шу жиҳатдан ҳам қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасида домий фаолият кўрсатувчи ва муваққат ҳакамлик судлари фаолият кўрсатиши мумкин.

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари юридик шахслар томонидан ташкил этилади. Юридик шахс ҳакамлик суди ташкил этилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаларини ҳакамлик суди жойлашган ҳудуддаги адлия идорасига тақдим этади. Юридик шахс доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилганида доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидаларини, яъни низоми ва регламентини, шунингдек, судьялар рўйхатини тасдиқлагач, доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил этилган ҳисобланади. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ўз номи ёзилган бланка, муҳрга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳисоб-китоб варақлари, валюта ҳамда бошқа банк ҳисоб варақларига эга бўлади.

Халқаро тажрибадан маълумки, доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди савдо палаталари, биржалар, тадбиркор ва истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари, бошқа ташкилотлар — юридик шахслар, уларнинг бирлашмалари, уюшмалари, иттифоқлари томонидан ташкил этилиши мумкин.

Муваққат ҳакамлик судлари эса юридик шахслар томонидан эмас, балки тарафларнинг ташаббуслари билан ташкил этилиб, низо кўриб чиқилгач, ўз фаолиятини тугатади. Муваққат ҳакамлик суди ташкил қилингач, унинг ташкил қилингани тўғрисидаги хабарнома ва ҳакамлик битими нусхаси мазкур суд жойлашган ҳудуддаги адлия идораларига ҳакамлик муҳокамаси бошлангунга қадар юборилиши лозим.

Ҳакамлик судлари томонидан иш кўриш доирасининг бирмунча чекланганлиги уларнинг умумюрисдикция судларидан фарқ қилувчи яна бир жиҳати ҳисобланади. Масалан, қонунда ҳакамлик судлари фақат фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи хўжалик низоларини ҳал этиши қатъий белгилаб қўйилган. Улар маъмурий, оила ва меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқа низоларни кўриш ваколатига эга эмас. Бироқ шунга қарамай, ҳакамлик судлари томонидан кўрилиб, ҳал этилиши лозим бўлган ишлар, умуман олганда, анчагина. Бу ўз навбатида, ҳозирги вақтда иш ҳажми катта бўлган фуқаролик ва хўжалик судларининг ишларини камайтиришга ва кўрилаётган ишларнинг сифатини янада оширишга хизмат қилади.

Албатта, ҳакамлик судларида кўрилаётган низоларнинг холис ва адолатли ҳал этилиши кўп жиҳатдан ҳакамлик судьяларнинг билими, малакаси ва тажрибасига боғлиқ. Шунинг учун ҳам қонунда ҳакамлик судьясига алоҳида талаблар қўйилган. Жумладан, йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, низоларнинг холис ҳал қилинишини таъминлашга қодир, низоларнинг пировард натижасидан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлмаган, ҳакамлик битими тарафлардан мустақил бўлган ва ҳакамлик судьяси мажбуриятларини бажаришга розилик берган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳакамлик судьяси этиб сайланиши (тайинланиши) мумкин. Ҳакамлик суди судьяси учун асосий талаблардан яна бири олий юридик маълумотга эга бўлиш ҳисобланади.

Қонунга мувофиқ қуйидаги шахслар ҳакамлик судьяси бўлиши мумкин эмас: муомала лаёқати чекланганлиги ёки муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлган шахс; ўз касбий фаолиятига мос келмайдиган қилмишлар содир этганлиги учун судья, адвокат, нотариус, терговчи, прокурор ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа ходими сифатидаги ваколати тугатилган шахс; қонунда белгиланган мансаб мақомига мувофиқ ҳакамлик судьяси этиб сайланиши (тайинланиши) мумкин бўлмаган шахс.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ҳакамлик судларининг фаолият кўрсатиши тадбиркорлик субъектларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, мамлакатимизда қулай инвестиция муҳитини янада шакллантириш учун шарт-шароит яратишга кўмаклашиб, иқтисодиётни янада барқарорлаштиришга хизмат қилади. Қолаверса, давлатимизда низоларни кўриб чиқишни халқаро талаблар даражасига кўтариш имконини берди.

Акс-садо

Нописандлик эмас, эътибор зарур!

Аҳмаджон РАҲИМОВ,
"Урганч ҳақиқати" газетаси муҳаррири

Ҳа, менимча шундай. Кейинги йилларда туман газетасига нисбатан бошқача бир қараш, очиқроғи ва тўғрироғи, унга нописандлик каби ажабтовур муносабат шаклланиб қолди. Бунинг сабаблари нимада?

Севимли газетамиз "Hurriyat"да "Туман газетасида ишлаш осонми?", "Туман газетаси керакми?" сарлавҳали мақолаларни ўқиб ўтириб, шу саволлар миямда чарх ура бошлади. Ва бу борада ўзим ҳам ҳаётий тажрибамдан келиб чиқиб унга жавоб изладим. Бугун туман газетасига нописандлик билан қараш борлигини яшириб бўлмайди. "Туман газетаси керакми?" ёки "Унда ишлашдан осони йўқ", "Мақола туман газетаси учун бўлаверади", "Туман газетасида ишлашни эплайди", "Мухбир туман газетасидан экан-ку", "Ўзимизники бир гап бўлар, марказий нашрларга кўпроқ обуна қилинг", дегувчи "катта" газеталарда ишловчи касбдошларимиз, эл таниган зиёлилар, катта-кичик раҳбарлар, ҳатто ҳокимлар сони кўпайиб бормоқда.

Кези келганда "катта" газеталарга "ихлос"и баланд биродарларимизга шуни эслатиб қўймоқчи эдикки, касбдошимиз Ҳамиджон ака ўз мақоласида таъкидлаганларидай, барча газеталарнинг (у марказий нашрми ёки вилоят ёхуд туман газетасими, бундан қатъи назар) қиладиган иши, вазифаси, мажбурияти ва масъулияти тенг. Газеталарда ишловчи ходимлар, яъни журналистлар учун қўйиладиган талаблар ҳам бир хил. Республика, вилоят ёки туман газетаси учун жанрлар бўйича алоҳида-алоҳида талаб бўлмайди-да! Масалан, репортаж ёки лавҳа жанрига қўйиладиган талабни туман газетаси учун камайтириб ёки ошириб бўладими?! Асло!!! Қалами ўткир, истеъдодли, вилоят ёки республика газетасига ишга қўйса, бемалол ишлаб кетадиган туман журналистлари ҳам кўплигини биламиз. Шахсан мен журналистга у республика, вилоят ёки туман газетасида ишлашидан келиб чиқиб баҳо беришга қаршиман. Бу ерда истеъдод ва маҳорат асосий ўринда турмоғи керак. Кадрлар масаласи ҳақида гап кетар экан, оғриқли бир "дард"ни айтмасам бўлмайди. Ҳаким Сатторий яхши эслабди, бир пайтлари туман газеталарининг ҳам муҳарриридан тортиб мусаҳҳиҳигача марказда ўқитиларди, малакаси ва маҳорати ошириларди. Бугун шу гап йўқ. Ҳатто туман газеталари муҳаррирлари ҳам 5-10 йиллаб семинарларга чақирилмайди. Ўз қобиғига ўзи ўралиб ётиш оқибати қандай бўлишини эса ўзингиз ҳам яхши биласиз. Шу ўринда ҳеч бўлмаса вилоят марказларида маҳаллий журналистлар учун қисқа муддатли ўқувлар ташкил қилиш ҳаётий зарурат эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Фикр-мулоҳазаларимга якун ясаётиб айтмоқчиман: газетанинг ўқийдиганлар оздир, кўпдир барибир бор. Демак, у "яшаш"га ҳақли.

Қалам туман газетасида чархланади

Пўлат ҲАМДАМ,
"Народное слово" газетасининг Фарғона водийси бўйича мухбири

Севимли ва жонкуяр газетамиз "Hurriyat"ни мунтазам ўқиб бораман. Яқинда унда эълон қилинган иккита мулоҳаза билан танишиб чиқдим. Тўғрисини айтсам, икки қаламкашнинг чиқишлари менга ёқмади. Униси бу дейди, иккинчиси у дейди. Дангали, ечими йўқ.

Дангали эса мавзу кўп, қаҳрамонлар кўп. Лекин, афсус, туман газеталарининг ходимларида малака ва интилиш етишмайди. Бирорта роман ёки қисса ўқимаганлари ҳам топилади. Очерк, лавҳа, фельетон, суд очерки, репортаж, журналистик суриштирув каби жанрларда ёзадиган қаламкашларимиз ҳам бармоқ билан санарли.

Мен ТошДУ журналистика факультетини тугатиб Самарқанд туманидаги "Шарқ тонги" газетасида иш бошлаганман. Биринчи мақолаларимиз шу газетада эълон қилинганда бошимиз осмонга етганди. Ҳозир республиканинг турли нашрларида хизмат қилаётган кўплаб ижодкорларнинг қалами "Шарқ тонги"да чархланган. Биз ишлаган пайтда бир нарса қийнарди. Муҳаррир кўпинча шахсий ишлари билан овора эди. Бир куни редакцияга Нарзиев деган ўринбосар келди-ю, биз ёш қаламкашларнинг аҳволи танг бўлди-қолди. У мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган экан. Бир кўздан кечиради-да, башарамизга отиб юбораверади. "Ёзишни билмайсизлар", деб дағдаға қилади. Ўқитувчи десак, педагог деб тузатарди, илм боғбони десак, боғбон боғда бўлади дерди. Ниҳолни — кўчат, муҳаббатни — севги, фарзандни — бола, онани — ая ва ҳоказо. Собиқ ўқитувчи ишдан бўшагандан сўнг яна ўз жойимизга келиб бинойидек ишлай бошладик.

Туман газетасида бир-икки йил ишлаган одам республика, вилоят газеталарининг юкини бемалол кўтараверади. «Изланиш — туман журналистларининг ҳар кунги изтироби бўлиши керак, — дейди Ҳамид Норқулов. — Бу изланишларнинг тагида янги гап топиб айтиш ва уни қизиқарли ҳикоя қилиб бериш ётади».

Чиндан ҳам, туман газетасида изланишлар самараси бўлмаса, ўз мухлиси — ўқувчисини йўқотади. Айниқса, танқидий мақолаларга эътибор қаратиш, эл дардини кўтариб чиқиш керак. Баландпарвоз мақолаларни ёзсангиз, "тўтиқуш"нинг ўзи бўласиз. Ҳарҳолда ҳозир изланишга имконият бор.

Дараклар

Тони Блэр бир ярим миллион кишига... хат ёзади

Буюк Британия бош вазири Тони Блэр транспорт воситасини бошқариш учун жорий этилган солиққа қарши бўлган 1,4 миллион фуқарога мактуб ёзмоқчи. Ваколат муддатидан олдин ўз вазифасини тарк этишни ният қилган сиёсатчи кўп минг сонли аҳолига янги солиқни жорий қилишдан кўзланган мақсадни батафсил тушунтириб бериш ниятида.

Буюк Британияда автомобиль ҳайдаганлик учун солиқ 2005 йили амалга киритилганди. Шу тариқа қироллик фуқаролари зиммасига ҳар бир мил учун 1,34 фунт стерлинг тўлаш мажбурияти юкланганди.

Ҳозирда аҳолининг аксарият қисми ушбу тўлов туридан норози эканини яширмаяпти.

Ҳардамхаёл... махфий агентлар

АҚШнинг Федерал қидирув бюроси ходимлари ҳар ойда учта ноутбук компьютерини йўқотишади. Мамлакатдаги катта нуфузга эга бўлган хавфсизлик идорасида ревизия ўтказган Адлия вазирлиги ана шундай хулосага келди. Текширув натижасига кўра, махфий агентларнинг энг зарур техникани йўқотиб қўйишига кўп ҳолларда уларнинг эҳтиётсизлиги сабаб бўлади.

Адлия вазирлиги ФҚБни иккинчи марта текширувдан ўтказяпти. 2002 йилда ҳам ана шундай ревизия бўлиб ўтганди. Агар бундан беш йил олдинги ҳолат билан ҳозиргисини қиёслаганда, махфий агентларнинг ҳардамхаёллиги анча камайганига амин бўламиз: 2002 йили ФҚБ ходимлари ойига 11 та ноутбук йўқотишганди.

Текширув пайтида қидирув идораси агентлари ҳар ойда 3 та ўқотар қуролни эсдан чиқариб қолдириши ҳам аниқланди. Албатта, бу йўқотишлар ФҚБнинг умумий ишчилар сонига нисбатан олганда арзимас туюлади (ушбу нуфузли идорада 12500 нафар махсус агент, 18000 нафар қўшимча ходим хизмат қилади). Бироқ Федерал қидирув бюроси Америка халқининг ифтихори бўлган идоралардан бири эканини инобатга олганда, махфий агентлар учун битта йўқотиш ҳам кўплик қилади.

Энг ихчам уяли телефон аппарати

Samsung компанияси Ultra Edition 5.9 деб номланган янги уяли алоқа воситасини ишлаб чиқарди. Мутахассислар томонидан дунёдаги энг ингичка ва ихчам аппарат сифатида эътироф этилган янги техника U100 номи билан ҳам аталади.

U100 аппаратининг хотира сиғими 70 мегабайтни ташкил этади. Аппаратнинг суратга тушириш мосламаси имкониятлари ҳам бир неча баробар оширилган. Энг эътиборлиси, янги уяли сўзлашув воситасининг қалинлиги бор-йўғи 5,9 миллиметрни ташкил этади. Яъни ушбу аппаратни сезилмайдиган тарзда кўйлак чўнтагига ҳам жойлаш мумкин. U100 аппарати жорий йилнинг биринчи чорагидан Европа мамлакатларида сотила бошлайди.

Тиббиёт

Ибн Сино издошлари

Шавкат НОСИРОВ

Шифокорлик масъулиятли ва машаққатли касблардан бири. Соҳа вакиллари дардмандларга соғлиқ, руҳиятларига тетиклик ва умид бағишлаш билан ўзларини бахтли ҳис этишади. Бугунги кунда барча жабҳалар каби тиббиётда ҳам янги-янги изланишлар, замонавий методлар юзага келмоқда. Уларни мутахассислардан ташқари тиббиёт соҳасида хизмат қилишни танлаган ёшлар ҳам ўрганиши талаб этилади. Республикамизда тиббиётга ихтисослашган ўқув юртлари талайгина. Ҳозирда улар нафақат пойтахт, балки вилоят ва туманларда ҳам мавжудлиги, ўқув сифати бўйича бошқа билим юртлари билан беллаша олаётгани қувонарли ҳол. Жумладан, Ғиждувон тиббиёт коллежи 1982 йилдан бери ёшларни етиштириб бермоқда. Бу ернинг талабалари акушерлик иши, ҳамшираллик иши, ортопедстомотология йўналишлари бўйича таҳсил олишади. Коллежда "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Президент фармонлари амалга татбиқ этилган.

Мазкур илм масканини кузатиб, талабаларнинг ўқиши ва илм билан шуғулланиши учун яратилган шароитни кўриш мумкин. Масалан, коллежда ўқув лаборатория хоналари мавжуд бўлиб, улардан 4 таси тиббий ва замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Япония ҳомийлигида яна 61 турдаги замонавий жиҳозлар олиниб, улар "Ҳамшира тренинг" хонасига ўрнатилган. У ерда талабалар касб сир-асрорларини амалий равишда ўрганишлари мумкин. Бундан ташқари ёшлар компьютер хоналарида электрон хизматлар ва интернетдан фойдалана оладилар.

Яратилган имкониятлар ва изчил меҳнат натижасида коллеж талабалари бирқанча кўрик-танловлар, масалан, "Ўзбекистон — Ватаним манним", "Шунқорлар", "Конституция — бахтимиз пойдевори" каби фан ва спортга оид танловларнинг вилоят ва Республика босқичларида ғолибликни қўлга киритдилар.

— Оиласининг бағрига хурсанд бўлиб қайтган беморларнинг хурсандчилигию оила аҳлининг дуоси биз ўқитувчиларга олам-олам қувонч бахш этиши шубҳасиз. Ана шу дамда биз ҳам, таълим олиб ҳаётга йўлланма олган шифокорлар ҳам меҳнатимиз самарасини кўргандек бўламиз, — дейди коллеж директори, тиббиёт фанлари номзоди Мурод Мухторов.

Дарҳақиқат, халқимиз дардига малҳам бўлиб, қувончига қувонч қўшувчи шифокорлик шарафли касбдир. Шифокорларни етиштириб берадиган ўқув масканлари қаторидан жой олган Ғиждувон тиббиёт коллежининг ҳам бунда ўз ўрни бор. ®

Нигоҳ

Эълон қилинмаган уруш

Европадаги махфий қўпорувчи гуруҳлар кимга, нима учун керак бўлди?

Брюссель (Бельгия). НАТО бош қароргоҳи.

Швейцариялик таниқли профессор Даниэль Гансер «НАТОнинг махфий қўшинлари: Ғарбий Европада терроризм» (NATO's secret Armies: Terrorism in Western Europe) деб номланган китобини нашрдан чиқарди. Тарихчи олимнинг тадқиқотларига кўра, ўтган 50 йил вақт давомида АҚШ махсус хизматлар воситасида Ғарбий Европа давлатларида бир қатор қўпорувчилик ҳаракатлари содир этган. Кўпинча сўл қанот сиёсий гуруҳлар зиммасига юкланган терактларни уюштиришда НАТОнинг махфий гуруҳлари ҳам фаол иштирок этган. Олимнинг таъкидлашича, мусулмон давлатларидаги нефть ресурсларини эгаллаш ва ислом динига нисбатан қўрқув уйғотишда беқарорлик стратегияси деб аталган ушбу кураш усулидан ҳозир ҳам фойдаланилади. Қуйидаги суҳбатда профессор **Даниэль ГАНСЕР** *бутун дунёда катта шов-шувларга сабаб бўлган ушбу тадқиқот юзасидан айрим саволларга жавоб беради.*

— НАТОнинг махфий армияларига бағишланган китобингизда ёлғон террор ва беқарорлаштириш стратегиясининг нечоғлик хатарли эканини очиб беришга урингансиз. Аслида беқарорлаштириш стратегияси деганда нимани тушунмоқ лозим?

— Беқарорлик стратегиясининг моҳияти шундаки, кимдир томонидан содир этилган жиноий хатти-ҳаракат усталик билан бошқалар гарданига юкланади. Ушбу тактика одамларни қўрқув ва таҳлика солишда қўлланилади. «Совуқ уруш» даврида беқарорлаштириш стратегиясидан унумли фойдаланган НАТОнинг махфий тузилмалари АҚШнинг Марказий разведка бошқармаси (МРБ) томонидан молиялаштирилган ва ўқитилган. Бу жараёнда инглиз жосуслик хизмати (МИ-6) ҳам фаол қатнашган. Масалан, 1970-йилларда Италия махсус хизмати махфий армия кўмаги билан кўплаб терактлар содир этган. Аҳоли орасида кучли қўрқув пайдо бўлишига олиб келган қўпорувчилик ҳаракатлари коммунистлар зиммасига юкланган. Сиёсий гуруҳлар террор ва ёлғон воситасида ҳокимият учун кураш олиб боришган.

— Бу гапларни, албатта, жиддий тадқиқотларга таянган ҳолда айтяпсиз. Бироқ барибир Европа давлатлари ҳукуматларининг НАТО, Марказий разведка бошқармаси ва махсус хизматларга эрк бериб, ўз фуқаролари хавфсизлигига таҳдид солганига ишониш қийин...

— Биласизми, бутун Европани ўргимчак тўри каби ўз комига олган террор билан боғлиқ махфий тармоқ марказида НАТО турган. Шимолий иттифоқнинг Махфий режалаштириш қўмитаси (Clandestine Planning Committee — CPC) беқарорлик сиёсатини олиб боришда асосий ташкилотчи ва ижрочи вазифасини бажарган. Бироқ нозик жиҳат шундаки, гарчи ушбу махфий ташкилотларнинг фаол иш олиб боргани инкор этиб бўлмас далиллар билан тасдиқланган бўлса-да, қўпорувчилик ҳаракатларини айнан кимлар содир этгани маълум эмас. Ёлғон терактлар бошида ким турган, ким буйруқ берган, НАТО, Европа махсус хизматлари ва МРБ ўртасида вазифалар қай тариқа тақсимланган? Афсуски, бу саволларга жўяли жавоб берадиган ҳужжатлар сақланиб қолмаган.

— Қизиқ, наҳотки, махфий қўшинлар Ғарбий Европанинг барча давлатларида фаолият олиб борган бўлса?..

— Тадқиқотлар давомида махфий армиялар биргина Италияда эмас, бутун Ғарбий Европа мамлакатлари — Франция, Бельгия, Голландия, Норвегия, Дания, Швеция, Финляндия, Туркия, Испания, Португалия, Австрия, Швейцария, Греция, Люксембург ва Германияда иш олиб боргани аниқланди. Лекин бу ўринда бир жиҳатга ойдинлик киритиб ўтмасак бўлмас. Махфий армиялар аввал-бошда биринчи навбатда Совет Иттифоқининг эҳтимолий ҳужумларини бартараф этиш мақсадида ташкил этилган. НАТОнинг Stay behind («душман ортида бўлиш» маъносида) номи билан танилган гуруҳи айнан юз бериши мумкин бўлган Совет оккупациясига қарши сафарбар қилинган. Бироқ кейинроқ махфий ҳарбий гуруҳлар ўз матлабидан чекиниб Европа мамлакатларида қўпорувчилик ҳаракатлари уюштиришга тушиб кетган. Сиёсий курашда кўринмас қурол сифатида фойдаланилган махфий гуруҳлар уюштирган терактлар учун сўл партиялар айбдор бўлиб қолаверган.

— Туҳмат туфайли жабр кўрган сўл партиялар нега шу пайтгача ҳукуматлардан текширув ўтказишни талаб қилиб чиқмади?

— Нега сўл кучлар текширув талаб қилмас экан?! Масалан, Италия коммунистик партияси ҳукуматдан мамлакатда «Гладио» номи билан фаолият юритган яширин армия хусусида тушунтириш беришни кўп бора талаб қилган. Бироқ ҳар сафар бу маълумотлар давлат сири ўлароқ махфий тутилган. Фақатгина 1990 йилда мамлакат бош вазири Жулио Андреотти «Гладио» яширин тарзда иш олиб боргани ва у НАТО, МРБ ва МИ-6 билан яқин алоқада бўлганини тан олди.

Кейинроқ судья Фелис Кассон Италиянинг Петеано шаҳрида 1972 йили амалга оширилган даҳшатли терактлар ҳукумат даъво қилганидек, сўл партиялар эмас, мамлакатдаги фашистлар гуруҳи аъзоси Винченцо Винчигерра томонидан амалга оширилганини исботлади. Тергов давомида Италия махсус хизмати ёрдамига суянганини тан олган Винченцо Винчигерра махфий тармоқлар бутун Европа бўйлаб ишлашини маълум қилган эди.

Дарвоқе, махфий армиялар масаласига ойдинлик киритилишини талаб қилган Европа парламенти депутатлари 1990 йилнинг ноябрида НАТО ва АҚШнинг ўша пайтдаги президент катта Жорж Бушга норозилик хати юборган эдилар. Бироқ бу билан ҳеч нарса ўзгармади. Ҳозирга қадар махфий армия борасида Европанинг уч давлати — Италия, Швейцария ва Бельгиядагина текширувлар ўтказилган.

— Ҳозирги аҳвол қандай? Махфий армиялар, давлат назоратидан ташқарида бўлган тизимлар ҳали ҳам ишлаяптими?

— Тарихчи учун бу саволга жавоб бериш қийинроқ. Бироқ китобимда бу масалада ҳам далилларга таяниб фикр юритишга ҳаракат қилганман. Расмий текширув хулосасига кўра, Италиядаги «Гладио» гуруҳи тугатилган. Швейцарияда кўплаб портлашлар уюштирган «Р 26» армияси ҳам тарқатиб юборилган.

Бироқ бошқа давлатлар хусусида аниқ гап айтиш қийин. Масалан, Франция президенти Франсуа Миттеран махфий тизимлар тугатилганини эълон қилган эди. Бироқ кейинроқ президент ёлғон маълумот бергани фош бўлди. Француз махсус хизмати раҳбари, адмирал Пьер Лакост ҳаттоки 1990-йиллар бошида ҳам мамлакатда яширин ҳарбий гуруҳ иш олиб бораётганини тасдиқлади. Шу боис ҳам, ҳаммаси тугади деб охирги хулоса айтиш қийин. Гарчи «Гладио» расман тарқатилган бўлсада, беқарорлик стратегиясини давом эттириш учун янги тузилмаларни ташкил этиш ҳеч гап эмас...

— АҚШ ва НАТО беқарорлик стратегиясини бошқа ҳудудларда ҳам амалга оширдими?

— Албатта, бошқа ҳудудларда ҳам ёлғон террор усулидан фойдаланилган. Масалан, 1953 йили Эронда рўй берган портлашлар жинояти дастлаб коммунистларга қўйилди. Бироқ бу нефтни назоратга олиш мақсадида МРБ ҳамда МИ-6 томонидан амалга оширилгани маълум бўлди. Бошқа бир мисол: 1954 йили Мисрда амалга оширилган терактар мусулмонлар томонидан қилинган деган хабарлар тарқалди. Пировардида эса теракт Моссад агентлари томонидан уюштирилгани, Исроил шу йўл билан Буюк Британия қўшинларининг араб давлатида қолишига эришмоқчи бўлгани аниқланди.

— Беқарорлик стратегиясини амалга ошириш пайтида асосий эътибор оммада қўрқув уйғотишга қаратилишини айтиб ўтдингиз. Бу усул ҳозир ҳам қўлланилмаяптими? Яъни, кеча коммунистларга қарши кайфият уйғотилган бўлса, бугун мусулмонларга нисбатан салбий муносабат шакллантирилмаяптими?

— Ҳа, айнан ўхшаш жиҳатлар йўқ эмас. Ироқ урушига тайёргарлик чоғида Саддам Ҳусайн оммавий қирғин қуролига эга экани, ҳатто Бағдод ва «Ал-қоида» ташкилоти ўртасида алоқалар мавжудлиги даъво қилинди. Ҳақиқатдан йироқ ёлғон воситасида мусулмонлар терроризмни бутун дунёда ёйишяпти деган тасаввур ҳосил қилишга уринишди. Аслида эса бу уруш ортида энергия ресурсларини эгаллаш мақсади яширинган эди.

— 2001 йили Европа Иттифоқи террорга қарши курашни кучайтирди. Бироқ кейинроқ маълум бўлдики, бу тадбирлар Марказий разведка бошқармасига одамларни ўғирлаш, махфий қамоқхоналарда қийнашга имкон берган экан. Бу вазиятда Европа давлатлари АҚШга бўлган садоқати ва итоатининг қурбони бўлмадими?

— Европа давлатларининг АҚШга эътирозли муносабати ҳар доим ҳам заиф бўлган. Германия канцлери Ангела Меркель хоним Гуантанамода шарт-шароит, инсон ҳуқуқлари масаласида Оқ уйга эътироз билдирган пайтда Қўшма Штатлар аниқ тушунтириш берди: Германия Ироқ муаммосида тенг шерик, мамлакат махсус кучлари уруш оловини ёқишга ҳисса қўшишган. Шундай бўлгач, Германия жим туриши керак!..

— Махсус хизматга оммани алдаш имкони берилган бир шароитда НАТО ўз фуқароларининг ҳуқуқларини қандай қилиб ҳимоя қилиши мумкин?

— «Совуқ уруш» даврида махфий армиялар томонидан амалга оширилган терактлар хусусида гап кетганда, НАТО раҳбарияти аниқ бир жавоб беришдан ўзини олиб қочади. 11 сентябрь воқеаларидан кейин НАТО ҳужумкорлик йўлини танлади. Ҳолбуки, у Европа халқларини Совет Иттифоқи хуружидан ҳимоя қилиш учун тузилган эди. Шимолий иттифоқ мусулмон мамлакатларнинг нефть ва газини эгаллаш учун ташкил этилмаган эди.

Европа одатда энг кучли давлат билан ҳамкорлик қилиш керак деган тамойилдан келиб чиқади. Шу боис ҳам Европа парламентарийлари АҚШнинг у ёки бу фронт учун қўшимча кучлар кераклиги борасидаги босимига осонгина ён беради. Европа мамлакатлари қанча кўп ён берар экан, шунча кучли тобе бўлиб қолаверади.

— Оммани ёлғон билан овутиш бугун қай даражада тарқалган? Ушбу жиноий фаолиятга тўсиқ бўлиш имкони борми?

— Хавотирли жиҳати, бугунги кунда терроризмга қарши кураш энергия ресурсларини эгаллаш йўлидаги ҳаракат билан қоришиб кетган. Қўшма Штатлар нуқтаи назарига кўра, кураш стратегик муҳим нуқтада жойлашган Озарбайжон, Туркманистон, Қозоғистон, Форс кўрфазида эса Саудия Арабистони, Кувайт, Эрон, Ироқ энергия манбалари устидан назорат учун олиб бориляпти. Эътибор берсангиз, терроризмга қарши кураш нефть ва газ жамланган нуқтада қизғин кетяпти.

Европа мамлакатлари уйғониши, беқарорлик стратегияси қандай ишлаётганини англаши лозим. Ва ниҳоят, улар АҚШга «йўқ» дейишни ҳам ўрганиши керак.

www.inosmi.ru сайти материали асосида
Абдул СОБИР *тайёрлади*

«Кичик грантлар танлови»

нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш йўлидаги яна бир қадам

Ўтган йил сўнгида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фонди «Кичик грантлар танлови»ни эълон қилган эди. «Марказий» меҳмонхонасида танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Фаррух ЖАББОРОВ

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги дастурий маърузасида нодавлат нотижорат ташкилотларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтдилар. Жумладан, Юртбошимиз шундай деган эдилар: «Одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашда, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда бу ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир».

Бугунги кунда республикамизда турли ҳуқуқий-ташкилий шаклдаги беш мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 485 таси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоятлар адлия бошқармаларида 4814 маҳаллий жамоат бирлашмаси рўйхатдан ўтган. Мутахассисларнинг фикрича, ННТларининг фаолиятига тўсиқ бўлаётган асосий муаммолардан бири давлат ташкилотлари билан ижтимоий ҳамкорлик муносабатларининг етарли даражада эмаслигидир. Яна бир муаммо эса молиявий етишмовчиликка бориб тақалади. Адолатли демократик жамиятни шакллантириш, демократик қадриятларни қарор топтиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни эътироф этилган ҳолда бу соҳада кейинги йилларда сезиларли ишлар қилинаётибди. Айниқса, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фондининг ташкил этилиши бу борадаги энг катта олға силжишлардан бири бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Ташкил этилганига ҳали кўп бўлмасада, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фонди 3 та танлов эълон қилди ва жами 57 та ғолиб лойиҳаларга молиявий кўмак ажратди. Биринчи танловда ННТларига тақдим этилган умумий пул миқдори 73 млн. сўм бўлган бўлса, иккинчи танловда эса сумма 100 млн. га етди.

III танлов ғолиблари:

Республика чорвадорлари ассоциацияси
Тошкент шаҳри: **«Нафосат», «Маълумотларни узатиш тизимлари ҳамкорлиги маркази», «Меҳр», «Умидворлик», «Планета» марказлари,**
Тошкент вилояти: **«Ниҳол»,**
Сирдарё вилояти: **Мирзаобод ногиронлар жамияти,**
Самарқанд вилояти: **«Яшил тўлқин», Каратэ клуби, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш федерацияси вилоят бўлими**
Фарғона вилояти: **«Эзгу ният», «Машҳур» ННТлари**
Андижон вилояти: **Адвокатлар ҳайъати,**
Сурхондарё вилояти: **«Кураш клуби», «Деҳқон-фермер», Ёшларни касбга йўналтириш маркази**
Қашқадарё вилояти: **Адвокатлар ҳайъати,**
Бухоро вилояти: **«Соғлом авлод учун» жағармаси бўлими,**
Навоий вилояти: **«Хумо» ННТ,**
Хоразм вилояти: **Адвокатлар ассоциацияси, Олима аёллар ассоциацияси, «Ҳамдард» маркази**

Пойтахтимизнинг муҳташам «Марказий» меҳмонхонасида бўлиб ўтган бу сафарги тақдирлаш маросими учинчи конкурс — «Кичик грантлар танлови» натижаларига бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидов сўзга чиқиб ғолибларни табриклади. Шунингдек, 2007 йил 4 январдан кучга кирган «Нодавлат ва нотижорат ташкилотлари фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳақида тўхталди. «1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонунда ННТларини ташкил этиш тартиби, рўйхатдан ўтказиш ва фаолияти турлари масалаларига асосий эътибор қаратилган бўлса, янги қонун лойиҳаси мазкур ташкилотлар фаолиятининг кафолатларига бағишланади», дейди Акмал Саидов.

Сўзга чиққанлар мазкур қонуннинг айни пайтида қабул қилинганини эътироф этишди ва қонун мамлакатимизда Юртбошимиз бошчилигида изчиллик билан амалга оширилаётган демократик ислоҳатлар кўламини янада кенгайтириш ва самарадорлигини оширишга хизмат қилишини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Яна айтилдики, нодавлат ташкилотларининг субсидия, грант ва ижтимоий буюртмалар асосида ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши бу тузилмаларнинг бир маромда фаолият юритишини таъминлашдаги жуда муҳим омил ҳисобланади. Ва бу нодавлат нотижорат ташкилотларининг ривожланиши учун асос ва имкон яратиб, улар билан давлат ташкилотлари ўртасида кучли демократик жамият қуриш йўлида яқин ҳамкорликлар ўрнатилишига хизмат қилади.

Навбат тадбирнинг тантанали маросимига етиб келди:

— Тошкет шаҳрида фаолият юритаётган «Нафосат» аёллар ва ўсмир-ёшлар ўқув-амалиёт маркази!

«Кексанинг бергани баракали бўлар» деган нақлга амал қилиб марказ раҳбари Ноила Матёқубовага сертификатни Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси раиси Эркин Боқибоев топширди...

«Кичик грантлар танлови»нинг ўтказилишида аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, муҳим гуманитар, социал-иқтисодий ва бошқа ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли масалаларни ҳал этиш, шунингдек, фуқаролик жамиятини ўрганиш институтларини ривожлантириш каби мақсадлар кўзда тутилган. Унда ўз фаолиятларини ижтимоий масалаларни ҳал қилишда ННТларининг давлат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар), жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш; фуқароларни ишга жойлаштириш ва янги иш ўринларини яратиш, касбга ўргатиш; фермерларнинг ва қишлоқ жойдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, уларда бозор иқтисодиёти кўникмаларини ривожлантириш ва уларни ҳуқуқий ҳимоялаш каби соҳаларга йўналтирилган нодавлат нотижорат ташкилотларига молиявий кўмак ажратилди.

Тақдим этилган грантларнинг энг катта миқдори 5 миллион сўм бўлиб, бу гал жами 23 та энг яхши лойиҳа эгалари тақдирландилар. «Кичик грантлар танлови» ғолибларига берилган умумий сумма эса 110 миллион сўмни ташкил этади.

Кимдир сўз олиб ғолибларни табриклар, яна кимдир мамнуният билан ўз ташаккурларини изҳор этарди... Биз эса фурсатдан фойдаланиб «Нафосат» аёллар ва ўсмир-ёшлар ўқув-амалиёт маркази раҳбари **Ноила МАТЁҚУБОВА**ни суҳбатга тортдик.

— Лойиҳамиз аёлларни иш билан таъминлашга қаратилган. Фонд томонидан олинган кўмак ва ўзимиздаги бор имкониятлардан фойдаланиб янги иш ўринларини яратамиз. Худо хоҳласа, кўп ўтмай тикувчилик сирларидан воқиф 8 нафар опа-сингилларимиз иш билан таъминланади, — дейди Ноила опа. — ННТларига берилаётган бундай имкониятлар учинчи секторнинг жамиятимизда тутган ўрнини янада оширишига ёрдам беради деб ўйлайман. Ва аминманки, ўз навбатида нодавлат ташкилотлари ҳам «Юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, Ватан равнақи» йўлида қилинаётган ишларга ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшадилар.

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва техникавий кўмагида тайёрланди. *Лойиҳа: "Фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ННТнинг ўрни".*

Маънавият

Юриши арслондан ҳайбатли

у ким?

Дилфуза МАВЛОНОВА, ФарДУ талабаси

Севимли ёзувчимиз Ўткир Ҳошимовнинг "Баҳор қайтмайди" номли қиссасида шундай сўзлар бор: "Қўшиғинг энг аввало студентларга ёқдими, демак, машҳур бўлганинг шу". Бугунги кунда чиқаётган хусусий газеталар ҳақида юқоридаги гапни сал ўзгартириб айтиш мумкин: яъни "Газетанг бозорчи аёллар қўлига (демакки, назарига) тушдими, бас, унинг харидоргир бўлгани шу!" Айниқса, олди-қочди воқеалар, чунончи, сериаллар ҳақида ёзиладиган, сканвордли газеталарнинг бозори чаққон. Газетачиларнинг яна бир эътирофи бор: сканвордлар содда бўлиши керак, акс ҳолда харидорнинг қизиқиши сўниб қолиши мумкин. Кўп газеталарнинг энг тепасига катта рақамлар билан ютуқлар миқдори ёзиб қўйилади. Сканвордлар эса назарингизда жуда оддийга ўхшайди. Дарров ечиб ташлашга чоғланасиз. Бунақада мухлисларга ютуқ пулларини тўлайвериб, газеталар касодга учрамайдими? Бунинг ҳам сири бор экан: совринли сканвордларнинг битта-иккита саволини жиндай мураккаброқ қилинса бас, шунда мукофот ёнингга қолиши тайин.

Бир куни бозорда ғалати савол-жавобга гувоҳ бўлдим: сканворд ечаётган картошкафуруш хотин ёнидаги эркакдан сўради:

— Аристотелнинг миллати нима? Тўртта ҳарф экан.

Эркак ҳеч ўйлаб ўтирмасдан:

— Швед бўлса керак. Ўзи физик олим бўлган, — дея жавоб берди.

Аёл ҳам: "Ия, тўғри келди", деб "жавоб"ни ёзиб қўйди...

Мени бир савол ўйлантиради: майли, енгил-елпи, олди-қочдидан иборат "сариқ матбуот"ни бўлсада, одамларимизнинг ўқигани яхшими ёки аксинчами?

"Одамнинг улуғлиги унинг бўйбасти билан ўлчанмаганидек, миллатнинг буюклиги сон-саноғи билан белгиланмайди. Ягона ўлчов — унинг маънавиятидир", деган экан машҳур француз ёзувчиси Виктор Гюго. Кўпинча "Билимли одам кўп пул топади", дейишади. Аслида ҳам шундайми? Кўп пул ишлаш билимга боғлиқми? Буюк олим Альберт Эйнштейн бир умр моддий жиҳатдан, юмшоқ қилиб айтганда, "ўта камтарона" яшаган экан.



Қолаверса, бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Жуда ғалати, шундай эмасми? Бунинг устига инсон касбий маҳоратда етук ёки илм-фанни чуқур эгаллаши билан маънавиятли бўлмаслиги ҳам мумкин экан. Йўқса, юнон донишманди Арастунинг мана бу гапини қандай изоҳлаш мумкин? "Билим бобида жуда илгарилаб кетиб, маънавият бобида ортда қолган одам олдинга эмас, орқага қараб кетаётган бўлади".

Демак, маънавият — бу ҳар соҳада етуклик демакдир.

Баъзи инсонлар яхши мутахассис бўлиши мумкин, аммо ўз фикрларини ёзма баён қила олмайди. Улар ўз камчиликларини: "Биз филолог эмасмиз, ёзув-чизув уларнинг иши", деб оқлашга уринадилар. Бу ҳам одам маънавиятидаги бир кемтиклик саналади.

Маънавият инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракатида, сўзларида акс этиб туради. Бу ҳақда қадимги Хитой ҳикматида шундай дейилади: «Руҳи уйғонган кишилар сўзи назокатлидир. Донишмандлар сўзи содда. Муносиб кишилар сўзи аниқ-тиниқ. Чакана одамлар нутқи кўп сўзли. Паст одамлар нутқи зерикарли». Буни ҳаётда жуда кўп кузатганмиз: баъзи устозларнинг маърузаси аввалидаёқ одамни уйқу босса, баъзиларида эса қизиқишнинг зўридан кўзларимиз чарақлаб кетади. Яна айтадиларки, "Китоб ўқишдан авval ўз қалбингни поклаб ол. Йўқса, китобдаги ҳикматлар билан ўз камчиликларингни "сувоб" юборишни истаб қоласан; бирор эзгу фазилатни билиб олиб, ўзинг учун фойдани кўзлай бошлайсан".

Демак, "Ҳамма ҳам Устоз бўлавермайди", деган гапда ҳам ҳикмат кўп экан. Ҳаттоки, "Педакадемия"ни икки марта битирганда ҳам! Устоз энг аввало етук маънавиятли бўлмоғи лозим. Шундагина унинг айтган ўгитлари шогирд қалбидан мустаҳкам жой олади. Агар устоз маънавиятсиз бўлса, сўзда ва амалда бошқа-бошқа бўлса, бундайларга нисбатан халқимизда: "Устознинг айтганини қил-у, қилганини қилма", деган мақол бор. Дейлик, ўзи порахўр бўлса-ю, "Чироқларим, ҳалол бўлинг", дея уқтирса, унинг ўгити бетаъсир бўлар экан!

Буюк аллома бобокалонимиз аз-Замахшарий шундай деганлар: "Тўғри ва ҳақ йўлдан бораётган одамнинг қадам ташлаши арслоннинг юришидан ҳам ҳайбатлироқдир". Во ажабо, шундай экан, бизга яна нима керак?! Келинг, Шарқ халқлари маънавиятининг дурдонаси бўлган мана бу фикрларга ҳам қулоқ осайлик: "Кўпинча инсон тирикчилигини ўтказиш, оилани тўйдириш учун нолойиқ йўлларга киришга ҳам мажбур бўлиб қолиб, расво бўлади. Шу равишда у дунёни ҳам, бу дунёни ҳам қўлдан бериб қўяди. Шўроб жойда битган, ҳар ким шохини эгиб, синдириб кетган дарахт ҳар кимдан туртки еб, дўстга зор бўлган камбағалга ўхшайди. Камбағаллик энг катта бахтсизлик ва зўр мусибатдир. Муҳтожлик одамни ҳаммага душман, беҳаё қилади, инсоф ва мурувватини қўлидан олади, қувват ва идрокини заифлаштиради. Муҳтожлик гуноҳ ва фасод манбаидир. Кимки камбағаллик ва муҳтожликка тушса, унинг шарми, обрўси ҳам кетади. Ҳаёни қўлдан берган одам кек сақлайдиган ва сўкинадиган бўлади, ғам пардаси унинг ақлини қоплайди, фаросати, зеҳн-закоси озаяди. Бундай бахтсизликка мубтало бўлган одамнинг бутун қилган иши, сўзи ҳаммага ёмон кўринади, берадиган маслаҳатлари ўзига зиён етказади. Илгари уни яхши деб юрган дўстлари энди ёмон одам деб ҳисоблайдилар, бошқаларнинг гуноҳини ҳам унга тўнкайдилар. Бойлар айтганда мақтовга сазовор бўлган сўзни камбағал айтса, уни нафрат ва таъна билан қарши оладилар. Агар камбағал шижоат кўрсатса, уни қўпол ва нодон дейдилар, сахийлик қилса, исрофгар дейдилар, мулойим бўлса, қўрқоқ дейдилар, ҳикматли сўзлар айтса, сергап деб, хомуш ва сокин ўтирса, тилсиз ҳайвон дейдилар. Хуллас, бундай йўқсилликдан ўлим яхшироқдир.

Илон оғзига қўл тиқиб заҳар олмоқ ёки оч шер олдидан гўшт олиб қочмоқ номард одамдан бир нарса сўрагандан осондир.

Дебдурларки, соғайиш эҳтимоли бўлмаган хасталик, висол умиди бўлмаган ҳижрон, умрбод ғариблик — йўқсиллик ва тиланчиликдан яхшидир.

Кўпинча инсон уялганидан ёки иззат-нафси кучлилигидан камбағал ва ночор эканлигини айта олмайди. Муҳтожлик зўр бўлса, номусли одамни ғам охирида хиёнатга, халқнинг молига қўл чўзишга мажбур этади. Олимлар дебдурларки, "Индамаслик — ёлғон гапиришдан, дудуқланиш — сўкишдан, камбағалликка чидаш — ўғрилик билан мол тўплашдан яхшидир".

Боғланиб, сандиққа солинган шер ўз кучини йўқотмагани каби, илм ва ҳунар эгаси ҳам бадавлат бўлмаса-да, ўз иззат-ҳурматини йўқотмайди. Аксинча, итнинг бўйнига олтин занжир боғлансада, ҳамма жойда ҳаром ҳисобланган каби истеъдодсиз, саховатсиз давлатманд ҳам нафратга дучор бўлади".

Мен буларни нега эсладим? Бир ҳадис туфайли: "Ҳикматли сўз — мўмин кишининг мулкидир. Уни қаердан топса, ўзлаштириб олишга ҳақлидир". Шуни сизга ҳам илиндим...

Назм

Олманинг ҳар гули қўнғироқ бўлгай



Яҳё TOFA

Ишонч

Шум бўлмаган, тулки бўлмаган
Девонага инондим, она.
Сўздан бўлак мулки бўлмаган
Сўзонага инондим, она.

Болаликнинг саслари тинди,
Ҳавасларнинг нафаси синди.
Ҳайратимга "хайр!"деб энди
Майхонага инондим, она.

Бу дунёнинг минг ҳийласидан
Ҳайронага инондим, она.
Ўз ўзининг насибасидан
Бегонага инондим, она.

Афсоналар айлади асир,
"... изм"ларга инондим басир.
Шеърият деб аталган қаср –
Кошонага инондим, она.

Ақлим етмай баланд-пастига
Замонага инондим, она.
Ўлимларга қасдма-қасдига
Паймонага инондим, она.

Мен кечмадим имондин, она.
Кечдим яхши-ёмондин, она.
Умидимга инондим фақат,
Пешонага инондим, она.

Кўкламда

Олманинг ҳар гули қўнғироқ бўлгай,
Боғлар уйғонади тонгда аксириб.
Шу кунга-да етдик паймона тўлмай,
Энди пардаларни суринг, тақсирим.

Суринг пардаларни, дарчалар кулсин,
Гулбаҳор қутласин тор хоналарни.
Офтобда тоблайлик, тақсирим, бир зум,
Бу зах тортиб кетган паймоналарни.

Ёмғир

Бойчечакнинг қаршисида тиз чўкиб
Йиғлар баҳор, йиғлар баҳор.
Ўз муждасин этагига ёш тўкиб
Йиғлар баҳор, йиғлар баҳор.

Бошидан ҳеч булутларни ечолмай,
Майми, оғу — бу не асли, ичолмай,
Ўзлигидан — ўтмишидан кечолмай
Йиғлар баҳор, йиғлар баҳор.

Тортиларкан камалаги — камони,
Қора тўзон тўсмагай-ку самони?
Эртанимнинг бўлмай дея қурбони
Йиғлар баҳор, йиғлар баҳор...

Қўш қўшиқ

Ҳасратлардан
тўйиб, ўртаниб,
сен бағрингни
ерга берсанг жим...

Бир қадрдон
оғриқни таниб,
музлаб кетар
менинг кўкрагим.

Кўзларимда
муҳаббат ўлди,
сўзларимда
ўлди илтижо.

Тирикдирми
бу кўнгил шўрлик,
тирикдирми
ўлмаган бу жон?

Ёпиғлиқ қозон

Менинг дардимга шерик
бўлмаганнинг барини
бир қозонга солдим-да,
кечириб қўя қолдим.

Сенинг дардингга шерик
бўла олмаган бўлсам,
мени ҳам шул қозонга
солиб қўя қол, юрак.

Элнинг дардига эса
шериклар топилади.
Бир куни бу қозоннинг
қопқоғи очилади.

Сизни кўрдим...

Йўлдош Эшмурод шеърига назира

"Қуш қалбидай дилда йўқдир ҳаловатлар,
Қайдин сизда мунча ҳусну малоҳатлар?
Саломатлар, бўлинг, яна саломатлар,
Сизни кўрдим, сиз нозланиб бородурсиз".

Шул тўрт сатр лутфи назм индаллодур,
Воҳ, маним ҳам дилимда минг вовайлодур.
Бу на Зуҳро, на Узродур, на Лайлодур,
Сизни кўрдим, сиз нозланиб бородурсиз.

Кўчамизни тўлдириб хуш бўйлар билан,
Йўл тутдингиз қайга, қандай ўйлар билан?
Қачон сизни қутлагаймиз тўйлар билан,
Сизни кўрдим, сиз нозланиб бородурсиз.

Бул назира билсанг, маним дардим асли,
Ҳаволансам ҳаволандим: баҳор фасли...
Кўрганим ҳам одам эмас, пари насли,
Сизни кўрдим, сиз нозланиб бородурсиз.

Жон жўражон, Яҳё нелар десин унга,
Ўзимизни отайликми ё Жайҳунга?
Сиз очилиб бородурсиз кундан кунга,
Сизни кўрдим, сиз нозланиб бородурсиз.

ИБРАТ

Франсуа де ЛАРОШФУКО

Тақдир сенга ёмонлик қилгандагига қараганда, кулиб боққанида ўзингни муносиб тутиш қийинроқдир.

Тилсим

Сурат ва сийрат

Ҳ. САТТОРОВ тайёрлади

Пешона аломати



Кимнинг пешонаси кенг, чизиқсиз, текис ва бошқа нишони бўлмаса, у гиначи, баднафс, ёлғончи, алдоқчи, мутакаббир ва димоғдор кишидир.

Пешонаси ўртача, ўрталарида хат ва чизиғи бўлса, у кишининг ростгўй, дўстга содиқ, ақлли, тадбирли, бахтли ва давлатли бўлишига нишонадир.

Кимнинг пешонаси тор бўлса, у беҳаё, нодон, қўрқоқ, фалокат ва касофатликка дохилдир.

Кимнинг пешонасида боши тарафидан қуйига қараб, бир чизиқ тортилган бўлса, у киши аччиғи тез, урушқоқ ва ҳамиша хафа бўлиб юради.

Айтадиларки, пешонадаги чизиқларнинг ҳар бири ўн йиллик умрга далолат қилади. Чизиқлари қанча кўп бўлса, шунча кўп ёшга киришига ишорадир.

Қош аломати

Кимнинг қоши кўп, узун, мўйлари қалин бўлса, у кўполликка мойил, иқболсиз, такаббур, жоҳил ва бадфеъл кишидир.

Қошлари бир-бирига уланган бўлса, у улфат ва шафқатлидир. Эркак кишининг қоши шундай бўлса, у хотинини яхши кўради, аёл кишида эса бу аломат эҳтирос белгисидир.

Қоши узун, қисқа ва қораликда ўртача бўлган одам ҳушфаҳм, диёнатли, нозиктаъб бўлади.

Қошининг учи ингичка, боши эса йўғон бўлса, у одам урушқоқ, фитна чиқарувчидир.

Агар қошлари баланд бўлса, ақли кам, мутакаббирдир.

Қош туклари узун бўлса, ҳимматли, шижоатли бўлиш билан бирга аччиғи тез ва урушқоқдир.

Кўз аломати

Кўзи катта, қора кишилар ҳаракати суст, беғайратдир.

Кимнинг кўзи кичкина бўлса, у енгил табиат, камфаҳм бўлади, аммо кўзи катта ва кичикликда ўртача бўлса, ундай одам ҳаёли ва вафолидир.

Кўзи чуқур одамлар такаббур, фосиқ, бировнинг ҳақидан қўрқмайдиган ва дили бузуқ бўлиб чиқади.

Кўзи ўйнаб чиққан одамлар беҳаё, бахил бўлади.

Кимки кўзини тез-тез очиб-юмса, у ўғри ёки алдоқчидир.

Кўзи катта, қизил, беиллат, беғубор одамларнинг умри узун, ўзи паҳлавон бўлади.

Чақир кўзли киши бахил, беҳаё ва беҳимматдир.

Кимнинг кўзи кичкина ва кўк бўлса, ҳийлагар, алдоқчи ва шаҳватпараст келади.

Кўзи мушукнинг кўзига ўхшаш юмалоқ одамлар саодатли ва бахтли бўладилар.

Катта ва кичикликда, қора ва қизилликда ўртача бўлса, у киши яхши хулқ, яхши одат эгасидир.

Агар кўзининг оқида қизил томирлари бўлса, у шаҳватпараст бўлади.

Қулоқ аломати

Катта қулоқ эгалари яхши кишилардир. Улар эшитган нарсаларини унутмайдилар, умрлари узун бўлади, баъзан аччиқлари чиқиб туради.

Қулоғи кичик кишилар эса нодон ва жоҳил бўладилар.

Ўртача қулоқли кишилар оқил, фаросатли ва бахтлидирлар.

Қулоғининг пастидаги юмшоқ жойи сергўшт кишилар бадавлат бўлади.

Сўзсиз сурат



Жаҳонгир МИРЗО чизган

Ўзбекнинг гапи қизиқ

Ўғил билан қизнинг бошини қўшайлик-да, бу дунёнинг қарзларидан бир йўла қутулайлик!

(Қариянинг дегани)

Нима гап, ўпкангизни қўлтиқлаб қолибсиз?

(Гўшт бозоридаги суҳбат)

Қулф уриб ўсаётган бу ёшлар катта дарахтнинг тўнкасида битган новдага ўхшаб қолиш хавфи туғилмаса гўрга эди...

(Мўйсафид ташвиши)

Қизиқ, кап-катта одамлар ҳам итга чапак чалиб олқишлашса-я?!

(Циркдаги томошабин ҳайрати)

Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ

Охирги йилларда дунё миқёсида, давлатларнинг ривожланиш даражасидан қатъи назар, оила қуриш ёши ошиб бораётгани кузатиляпти. Қизиқ томони, ўз ҳаётини никоҳ риштаси билан боғлаётган эркак ва аёл ўртасида ёш тафовути кўп ҳолларда 2-3 ёшни ташкил қиляпти.

Энг «оилапарвар» миллатлар

Жаҳон миқёсида энг кеч никоҳ Швецияда кузатилади. Шимолий Европа давлатида эркаклар ўртача 33, аёллар эса 30 ёшда оила қуради. АҚШда эса эркаклар 25, хотин-қизлар 27 ёшдан ўз муносабатларини никоҳ билан мустаҳкамлашни афзал билишади. Қуйидаги жадвалда дунё бўйича энг кеч оила қурадиган давлатларни кўришингиз мумкин.

Никоҳга киришаётган эркакларнинг ўртача ёши

Швеция	32,9
Дания	32,5
Франция	31,2
Испания	31,2
Норвегия	31,1
Германия	30,9
Швейцария	30,8
Нидерландия	30,7
Австралия	30,6
Финляндия	30,5

Савол

Таниқли ёзувчи Мақсуд Қориевнинг 1995 йилда "Шарқ" нашриёти матбаа концерни томонидан нашр этилган "Ибн Сино" тарихий романини кўплар ўқигандир. Одатда, ижод жараёнида асарнинг ўқишли чиқиши учун бадиий тўқималар ишлатилади. Бусиз мумкин эмас. Бироқ бадиий тўқималар аниқ далилларга асосланиши лозим.

Қайси ар-Розий?

Донагул ЖЎРАЕВА, журналист

Ушбу асарда ҳам ибн Сино билимининг ниҳоятда кучлилигини таъкидлаш мақсадида тарихда яшаб ўтган Абу Бакр ар-Розий билан муносабати қаламга олинган. Китобнинг 37-бетидан қуйидаги парчани эътиборингизга ҳавола қиламиз.

"Абу Восиқ сарой табиби ар-Розийнинг энг содиқ кишиси. Бу одам ўзининг ишбилармон, уддабуронлиги билан сарой аҳли ўртасида анча эътибор қозонган. Қолаверса, ҳаммадан ҳам ар-Розийга яқин. Буни яхши билишади саройдагилар. Шу боисдан унинг гапини икки қилишмайди. Лекин саройдаги вазият, Амир Нуҳ ибн Мансурнинг ибн Синони ўзига яқин тутаётганлиги ар-Розий ва Амирнинг "кўзининг ёғини еб юрган" аркони давлатнинг ғашига тегмоқда эди. Гўё Ибн Сино уларнинг нонини икки қилиб қўйгандек".

Муаллиф ибн Сино ва ар-Розий ўртасидаги кескин зиддиятларни мисоллар билан ўқувчига етказиб беришни мақсад қилади. Қуйидаги парчадан кўриниб турибдики, ар-Розийнинг ибн Синони кўришга кўзи, отишга ўқи йўқ.

"Ибн Сино руҳий даволаш усулини ҳам амирдан бошлади. "Илм ан-нафс" китобини фақат Нуҳ ибн Мансурга атаб ёзди, Ар-Розийга ўхшаганларга йўл бўлсин энди".

Аслида ҳам шундайми? Шу мақсадда тарихий фактларга мурожаат қиламиз. Абу Али ибн Сино ўз фаолияти давомида ар-Розийнинг илмий меросига чуқур ҳурмат билан қарайди ва уни қунт билан ўрганади. Аллома ўзига устоз деб билади. Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий 865 йилда туғилиб, 925 йилда вафот этган. Абу Али ибн Сино эса 980 йилда таваллуд топган ва 1037 йилда Хамадонда вафот этган. Ар-Розий вафотидан роса 55 йилдан кейин туғилган ибн Сино қандай қилиб, ар-Розий билан замондош бўлиши мумкин?! Тўғри, ўтмишда бир номдаги бир неча шахслар яшаб ўтган. Балки мен китоблардан топган шахслар ёзувчи қаламга олган табиб эмасдир. Агар шундай бўлса, муҳтарам адибимиз газета орқали бирор изоҳ бериб юборсалар, яхши бўларди. Зеро, миллатимизнинг фахрига айланган шахсларга нисбатан айтиладиган сўзнинг юки оғир.

O'ZINGNI ANGLA!

HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй.

Тел-факс: 142-49-91. Тел: 135-39-01, 142-52-72

Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ

Топшириш вақти — 20. 00 Топширилди — 19. 00

® — тижорат белгиси.

Буюртма — Г-151 Т: 4160 1 2 3 4 5 6